Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид миллий қонунчиликни доимо такомиллаштириб бориш, соҳага оид халқаро шартномаларга давлатимизнинг манфаатли аъзолигини таъминлаш борасида парламент фаолиятини жонлантириш, парламент палаталарида ушбу соҳа билан боғлиқ қонунчилик ижросининг аҳволини эшитиб бориш, ҳукумат ва давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ахборотларини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, амалиётни ривожлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини йўналтириб туриш, суд амалиётини кучайтириш, малакали судьялар корпусини шакллантириш, замонавий фикрлайдиган экспертлар тайёрлаш, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш лозим бўлади. Бундай муҳим масалаларни ҳал этишда янги тузилган Интеллектуал мулк агентлигининг бевосита иштироки талаб этилади.

Бугунги кунда универсал халқаро ташкилотлараро манфаатли ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилмоқда. Масалан, ягона мақсадга эришиш учун БИМТ ва БСТ 1995 йилда «БИМТ ва БСТ ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисида»ги шартномани имзолади. Шартнома 5 та моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида ягона халқаро-ҳуқуқий сиёсат юритиш, миллий қонунчиликни унификация ва кодификация қилишга эришиш, халқаро норма ва стандартларни бир хилда қўлланишига эришиш кўзда тутилган. Умуман олганда, интеллектуал мулкни объектларини таркибларга ажратиш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда бугунги кунда кодефикация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Масалан, БСТнинг ТРИПС (Интеллектуал мулк ҳуқуқинини савдо аспекти буйича шартномаси) Конвенцияси барча иштирокчиларга Конвенция стандартларида кўрсатилган асосларда ҳуқуқни татбиқ қилиш вазифасини юклайди.

Бундан ташқари республикамызда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда нормаларни унификация

қилишнинг зарурияти борлиги, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш лозимлигидан далолат беради. Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида МДХ мамлакатларининг бир-бири билан халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДХ аъзо-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДХ аъзо-давлатлари учун «Интеллектуал мулк модел кодекси» қабул қилинди. Модел кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулкнинг барча объектлари бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган.

Бизнингча, республикамызда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаб, алоҳида кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги бир хил нормаларнинг барча қонунларда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлари янада кенгайди.

5. Халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва халқаро-ҳуқуқий сиёсат юритиш.

Маълумки, республикамыз Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти (БМТ), ЮНЕСКОнинг аъзоси ҳисобланади ва Бутунжаҳон савдо ташкилотининг (БСТ) кузатувчи-давлат мақомига эга. Республикамызнинг бундай нуфузли халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик ўрнатгани интеллектуал мулк соҳасида халқаро доирада сиёсат олиб боришни тақозо этади. Халқаро ташкилотларнинг соҳага оид халқаро ҳужжатларининг мамлакатимизда ижро этилиши, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши аҳволи, халқаро мажбуриятларимизнинг бажарилиши билан боғлиқ ҳолатни доимий равишда ўрганиб бориш ва тегишли идораларга ахборотлар бериб бориш, унинг натижалари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш замонавий фикрлайдиган кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Бу кадрлар айни вақтда халқаро ташкилотлар ва халқаро нодавлат тузилмаларда доимий фаолият юритишлари ва мунтазам чиқишларини ташкил этиш орқали, ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга сафарбар қилиниши керак бўлади.

Шунингдек, давлатимиз манфаатларини хорижий давлатларда ҳимоя қилиш, халқаро ташкилотларда маърузалар билан чиқиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижобий ишлар ҳақида дунё жамоатчилигини хабардор қилиб бориш, шу орқали давлатимиз обрўсини кўтариш учун изчил ва тизимли равишда, йўналтирилган дастурлар асосида халқаро-ҳуқуқий сиёсат юритишга тўғри келади. Бунинг учун эса мамлакатимиз ташқи

сиёсатининг устивор йўналишларини аниқлаб олиш, тегишли вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ижобий натижалар бериши мумкин. Бу ўринда эса янги тузилган Интеллектуал мулк агентлигининг ўрнини алоҳида белгилаб олиш лозим.

Айтиш керакки, ЕИда амалда бўлган халқаро-ҳуқуқий актлар шу ҳамжамиятнинг аъзо-давлатлари миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини тоғнади. ЕИ мамлакатларида йигирма биринчи асрда интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланиши тенденциялари ва унинг йўналишларини 30 йиллар олдин россиялик олимлар айтиб ўтишган эди. Республика мизнинг халқаро савдо тизимига кириши ва янги технологиялар, инновациялар, умуман, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш билан боғлиқ халқаро сиёсат юритишида ривожланган мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади. Бунда ЕИ соҳага оид қонунчиликни унификация қилиш билан боғлиқ тажрибалари ва кодификациялаш жараёнларида тўпланган тажрибаларни ўрганиш келгусида яхши самара бериши мумкин.

Халқаро ҳамкорлик ўз навбатида интеллектуал мулк ҳуқуқи муаммолари билан боғлиқ жараёнларни чуқур ўрганиш, соҳага оид халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тенденцияларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва таъсирини ўрганишга ёрдам беради, мутасадди шахслар учун эса интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жаҳон халқаро-ҳуқуқий сиёсатига доир долзарб муаммоларни ечиш бўйича қўшимча билим ва тажриба олиш имкониятини беради.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг дастлабки кунлариданоқ инсон ҳуқуқлари масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик шарофати билан мамлакат таълимида кўплаб янги фанлар, шу жумладан юридик таълимда ҳам янги тармоқлар вужудга кела бошлади. Янги ижтимоий муносабатлар парламент ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, суғурта ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари каби кўплаб янги ҳуқуқий фанларнинг шаклланишига олиб келди. Бу фанларнинг пайдо бўлиши, фақат мустақиллик билан боғлиқ бўлиб, мустақилликдан олдин Ўзбекистонда умуман ўқитилмас, қолаверса эса ҳам олинмас эди. Масалан, инсон ҳуқуқлари ўқув курси XX асрнинг 90-йилларгача илғор хорижий мамлакатларда юридик мутахассисликлар тайёрловчи ўқув юртрларининг асосий ўқув курсларидан ҳисоблангани ҳолда, совет тузуми ўқув юртрларида эса, юридик таълимда бундай ўқув курси борлигини мутахассислар ҳам билмас эди.

Чунки совет тузуми инсон ҳуқуқларини алоҳида ўқув курси, фан тармоғи сифатида бутунлай инкор этар эди. Инсон ҳуқуқлари кўпол ва тизимли равишда бузиладиган ушбу давлатда, унинг мафқурасига кўра, давлат томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари умуман инкор этилиб келинган ҳамда алоҳида индивидларнинг ҳуқуқ ва маанфаатлари давлат манфаатидан кейинги ўринда, яъни охириги ўринда, деб ҳисобланган. Биринчи ўринда — давлат, кейин эса — жамият ва энг охирида шахс манфаати турар эди. Давлат манфаати йўлида жамият ва шахс манфаатлари поймол этилиши оддий қонуний ҳолат ҳисобланган, табиий ҳуқуқлар деган тушунча эса умуман инкор этилиб келинган.

Мустақилликка эришгандан кейинги биринчи кунларданоқ, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаб беришга қа-

* Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси мудири, ю. ф. н.

ратилган ислохотларга эътиборни кучайтирди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, мамлакатимизда инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларига олий қадрият сифатида ёндашиш бошланди. Бунга, 1991 йилнинг 30 сентябрида Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига аъзо бўлишининг ўзиёқ яққон мисол бўла олади. Чунки мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон, бу йўлда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этиб келинган умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини эътироф этган эди. Бундай мақсадни эълон қилгандан сўнг, иккинчи қадам — республикамизнинг 1992 йил 8 декабрда ўз Конституциясини эълон қилиши бўлди. Конституцияда Декларациянинг барча қоидаларининг мустаҳкамлаб қўйилиши Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат қуришга бўлган мақсадининг конституциявий пойдевори бўлди.

Мамлакат Конституциясида ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ваколатлари аниқ белгилаб олинди.

Мустақилликдан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари масаласи давлат ва жамият қурилишида марказий ўринга чиқди ва демократик, фуқаролик жамиятини қуришнинг кафолатига айланди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларини турли соҳалар бўйича босқичларга бўлиб ўрганиш, мазкур соҳалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берадики, бу хусусиятлар эса, мазкур ривожланиш босқичларини илмий таҳлил қилиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатда олиб борилган ташкилий-ҳуқуқий чора тadbирлар даврини шартли равишда икки катта босқичга бўлиш мақсади а мувофиқ бўлар эди:

Биринчи босқич — 1991–2000 йиллар: биринчи даражали ислохотлар ва ўтиш даври ислохотлари ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш. Бу даврда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган асослари барпо этилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди. Айни шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари га оид олти асосий ҳужжатларига қўшилди, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим тизими ташкил этилди.

Кейинги босқич — 2001 дан ҳозирги давргача бўлган давр: фаол демократик янгилиниш ва мамлакатни модернизациялаш даври. Бу давр **биринчидан**, умумдавлат ва минтақалар манфаатларини ифодловчи

икки палатали парламентнинг ташкил этилиши ва фаол ишлаши асосида қонунчилик ҳоқимияти роли ва таъсирининг кучайиши; **иккинчидан**, давлат миқёсидаги муҳим қарорлар қабул қилинишида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирининг ошиши, давлат тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ва мониторингини амалга ошириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг нуфузи ва аҳамиятининг ошиши; **учинчидан**, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши, жазо тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиши, суд ҳоқимияти мустақиллиги ва самарадорлигининг мустаҳкамланиши; ва **тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида кенг ахборот-маърифий ишларнинг амалга оширилиши билан тавсифланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Конституциянинг асосий принципи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсади ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шаклланди. Конституция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро нормалар ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон қонунларининг негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Айни пайтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 70 дан яқин халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилган. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва мажбуриятлари, шунингдек қатор бошқа жиҳатларини ҳам тартибга солади.

Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Конституцияда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътибор этилади. Шу боис, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга устувор эътибор берилишини таъкидлаб, Ўзбекистон Президенти И. Каримов ўз чиқишларида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта асосий тамойилларини кўрсатиб берди:

биринчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

иккинчи, инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро нормалари асосида такомиллаштириш;

учинчи, қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

тўртинчи, суд ислоҳотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

бешинчи, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан янгилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш¹.

Мазкур тамойиллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда ва айнан шу тамойиллар асосида инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими ва уларни ҳимоя қилишнинг миллий механизми шаклланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг доимий равишда ислоҳ қилиниши натижасида, мамлакатда профессионал парламент, яъни икки палатали — Сенат ва Қонунчилик палатасидан иборат Олий Мажлис шакллантирилди. Мазкур парламент томонидан мустақиллик йилларида 600 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Уларнинг 120 дан ортиғи беvosита инсон ҳуқуқларига тааллуқлидир. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

Ҳеч бир алоҳида қонуннинг қондаси Конституцияда белгилаб қўйилган инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин эмас, агар бундай чеклаш ҳолати мавжуд бўлса, бу масала Конституциявий судга бундай чеклашнинг конституциявийлигини аниқлаш учун берилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари чекланиши халқаро нормаларга мувофиқ (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддаси), миллий ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, миллатнинг маънавий ва руҳий соғлигини ҳимоя қилиш мақсадларида амалга оширилиши мумкин ва у қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши керак,

Юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон қўшилган инсон ҳуқуқларига оид 70 га яқин халқаро шартнома ва конвенцияларнинг нормаларини ўзида акс эттиради.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик тизими шаклланди ва уни бешта таркибий қисмга бўлиш мумкин:

биринчиси, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар — виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, муқобил хизмат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

иккинчиси, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар — жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти

1 Саидов А. Х., Султонов С. А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари. Т.: Адолат. 1998. — Б. 6.

нинг кафолатлари, оммавий ахборот воситалари, ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари, референдум тўғрисидаги ва бошқалар;

учинчиси, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар мулкчилик, тадбиркорлик, ер, ижара, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, гаров, суғурта, дехқон ҳўжалиги, банкротлик, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик, меҳнат, солиқ, божхона кодекслари;

тўртинчиси, инсоннинг маданий-маънавий ҳуқуқларига оид қонунлар фан, таълим, маданият, музейлар, маданий меросни ҳимоя қилиш, давлат тили тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

бешинчиси, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) — миллий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро ҳуқуқий қоидаларни мустақкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлат мажбуриятидир;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимининг халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиийлик ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

иккинчидан, конституциявий адлия (судлов)ни ривожлантириш;

1 Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги: аҳвол, муаммолар ва истиқболлар // «Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари» мавзuidaги илмий-амалий анжуман ҳужжатлари. — Т.: Ижтимоий фикр, 1998. — Б. 19.

учинчидан, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини шакллантириш;

тўртинчидан, янги демократик институтларни, жумладан, омбудсман институтини янада ривожлантириш киради.

Мамлакатда суд ҳокимияти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тубдан, демократик тамойиллар асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил этдилар.

Собиқ шўролар тузуми даврида суд фақат жазоловчи орган сифатида кўрилган бўлиб, уларнинг фаолияти орқали минглаб фуқароларимиз ноҳақ қамалиб, репрессияларга дучор бўлишган эди. Масалан, мустабид даври судлари фақат жазоловчи орган сифатида намоён бўлиб, мустақил ҳолатда фаолият юрита олмаганликлари ва фақат сиёсий партия ҳамда юқори лавозимдаги амалдорлар тайзиқи остидагина иш олиб борганликлари, бунинг оқибатида инсон ҳуқуқлари поймол бўлиб келганлигига мисоллар жуда ҳам кўп. Ҳатто, носудлов органлари томонидан ҳам инсонларга жазолар берилиш ҳолатлари юз берган. Бунинг яққол исботи сифатида 1930–1950 йилларни олиб қарасак, собиқ СССР даврида носудлов органлари томонидан 3 778 234 шахс асоссиз жиноий жавобгарликка тортилиб, шундан, 786 098 нафари ҳатто ўлим жазосига тортилган¹. Шунингдек, 1983–89 йилларда «Пахта иши» бўйича 4,5 минг киши жавобгарликка тортилган ва, кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 3,5 минг киши оқланган².

Энди ушбу органларнинг аввалги жазоловчи орган сифатидаги моҳияти ўзгартирилиб, уларнинг олдига энди биринчи даражали вазифа сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилди. Суд-ҳуқуқ соҳасида тубдан ислохотлар ўтказилмоқда. Суд тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар, биринчидан, судларнинг профессионаллигини оширишга қаратилган бўлса, иккинчидан эса, суд ҳокимиятининг мустақиллигини тула таъминлашга қаратилди. Суд тизими ихтисослаштирилди. 2008 йилга келиб, қамоққа олишга санкция бериш судларга ўтказилиши (Хабеас корпус институти) билан судларнинг мустақиллиги ва одил судлов фақат судлар орқали амалга оширилиши керак, деган тамойил таъминланди, десак адашмаймиз. Авваллари биз учун таниш бўлмаган, аммо халқаро ва илғор хорижий таърибда муваффақиятли синовдан ўтган Хабеас корпус институтини мамлакатимиз қонунчилигида янада такомиллаштириб борилиши суд ҳокимиятини, биринчидан Президентимиз таъбири билан айтганда «...инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қилади-

1 Минибоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси. — Тошкент, 2001. — б. 21

2 Рустамбоев М., Никифорова Е. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. — Тошкент. Адолат, 2006. — б. 52.

ган том маънодаги мустақил давлат институтига.»¹ айлантириш билан бирга, «... дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди»².

Жиноят қонунчилиги либераллаштирилди. Энди жиноят қонунчилигида репрессив жазолар нафақат камайтирилди, балки жазоларнинг тарбиявий аҳамиятига эътибор кучайтирилди, улар янада инсонпарварлаштирилиб борилмоқда. Бу соҳадаги яна бир энг катта ютуқ, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосининг жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланганлиги бўлди. Мазкур ислоҳот натижасида «Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди»³.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қиллиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш билан бир қаторда, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суддан ташқари тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV сессиясида сўзлаган нутқида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида миллий институтлар тизимини тузиш, ... ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ноҳуқумат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш зарурлигини уқтириб ўтган эди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази каби, демократик давлатлар учун хос бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура тизимларида инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи махсус тузилмалар шакллантирилди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатда 5 мингдан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек жамияти учун хос бўлган маҳалла институти ўзининг ҳуқуқий мақомини топди. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган оммавий ахборот воситалари ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркин-

1 Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.

2 Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси //Халқ сузи, 2010 йил 13 ноябр.

3 Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси //Халқ сузи, 2010 йил 13 ноябр.

4 Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. — I.: Ўзбекистон, 1999.

ликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида ўзининг муқтадирлигини топа бошлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсати қуйидаги тамойиллар негизида ривожланиб борди:

биринчи тамойил — инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган гоёлар ва қадриятларга ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлик;

иккинчи тамойил — инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқиши;

учинчи тамойил — шахс манфаатлари устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанати тамойили;

тўртинчи тамойил — ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги барча ислохотларнинг тадрижий босқичма-босқич амалга оширилиши ва тизимлилик хусусияти;

бешинчи тамойил — алоҳида тоифадаги, нисбатан заиф қатламдаги шахслар: болалар, ёшлар, аёллар, ногиронларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;

олтинчи тамойил — очиқлик ва ошкоралик;

еттинчи тамойил — давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ижтимоий ҳамкорлиги;

саккизинчи тамойил — инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол халқаро ҳамкорлик;

тўққизинчи тамойил — инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизимини шакллантириш ва уни такомиллаштириб бориш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда самарали механизмларини яратиш ва уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — олий қадриятга айланди.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ХУСУСИЙ МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АҲАМИЯТИ

Маълумки, ҳар қайси жамиятнинг иқтисодий негизи — шак-шубҳасиз мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий мулк алоҳида ўрин ва аҳамият касб этади. Хусусий мулк бозор муносабатларини ҳаракатлантирувчи иқтисодий манба бўлиб, кишиларда мулкдорлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Ваҳоланки, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шarti ҳам кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини қарор топтиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат.

Шу маънода, ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат қурилиш ва бошқарув тизимини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур имтиёз ва кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва соғлом тадбиркорлик муҳитини шакллантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда кичик бизнес изчил суръатларда ривожланмоқда, иқтисодиётда хусусий сектор вакилларининг ўрни тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги тўғрисида тўхталиб: «нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи-

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ни ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга эришиш билан сала бўлиб қолмоқда», деб таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақда томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида унинг иқтисодийётимиздаги улуши тобора ортиб, жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борада тадбиркорлар учун янада кенг шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодийётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. Мисол учун, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Буни Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинишида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Президентининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди. Жумладан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Аввалги меъёрларга кўра, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмасди. Бу муддатнинг яна бир йилга узайтирилгани ўз бизнесини йўлга қўяётганлар учун катта имкониятдир.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда Президентимиз

нинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-га олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Ушбу қонун ҳужжатларининг кучга кириши натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди. Барча келишиб олиш тартиблари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланди ҳамда ушбу вазифани ба-жариш учун туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ташкил этилди. Ушбу қарорларни қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига бўлган эътиборнинг яна бир тимсоли десак муболаға бўлмайди.

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилаётгани бежиз эмас. Чунки тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини оширишнинг ва тараққиётга эришишнинг ишончли йўли эканлиги ҳаётда ўз исботини топмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Ҳап кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳақида бораркан, бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** мавзуидаги маърузасида ушбу йўналишда белгилаб берилган стратегик вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, 2011 йилнинг юртбошимиз томонидан **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилинганлиги эса бизнинг маъсулиятимиз ва ташаббускорлигимизни, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишчанлик муҳитинини яратишни ва қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Президентининг 2011 йил 7 февралда «“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорни имзолаши тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим давр бўлишидан далолат бермоқда. Чунки бу қарорда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини

кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат таъриққети йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлдан келадиган шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чоралар тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь кўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагилар алоҳида таъкидланиб ўтилди: «Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси дир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур».

Ушбу маърузада давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилди.

Яна бир масала. Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш мақсадида бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний асосларини белгилаб олиш зарур. Чунки, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

Шу муносабат билан бугунги кунда парламентимиз олдида турган муҳим масалалардан бири — бу мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилишдир. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Бу эсу ўз навбатида, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш, шунингдек, тадбиркорларга кредитлар ва хом ашё ресурслари, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни талаб қилади. Қабул қилиниши кўзда тутилган қонунларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари ни соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш каби масалалар ҳам ўз аксини топиши зарур.

ГАРАНТИЯ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ КАК ОДИН ИЗ ВАЖНЕЙШИХ КОМПОНЕНТОВ ГАРАНТИЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Гарантия права собственности закреплена в статье 17 Всеобщей Декларации прав человека как ее необходимый, полноценный компонент. Она более детально и углубленно зафиксировано в статье 53 Конституции Республики Узбекистан.

По своему правовому режиму различаются две формы собственности — публичная и частная. Основное назначение публичной собственности это обеспечение нормальной деятельности государства, выполнение социальных, общественно-политических задач. Субъектами частной собственности являются граждане и негосударственные юридические лица. Частная собственность заранее предопределенного целевого назначения не имеет. Частный собственник по своему усмотрению и в своих интересах пользуется и распоряжается своим имуществом. Однако на практике частная собственность в основном используется либо для удовлетворения потребностей собственника, либо в предпринимательской деятельности. При использовании частной собственности в предпринимательской деятельности она имеет ряд преимуществ и удобств по сравнению с публичной собственностью. Во-первых, при привлечении ее в предпринимательскую деятельность не страдают интересы других сфер, во-вторых, объект и собственник непосредственно имеют правовую связь, поэтому механизм управления более гибкий и оперативный, что особенно важно в условиях конъюнктуры рынка, в-третьих, она всегда находится под непосредственным контролем собственника, что исключает случаи бесхозности и хищений, в-четвертых, доход от этой деятельности получает собственник, что в конечном итоге усиливает мотивационную основу предпринимательской деятельности. Не следует забывать и то обстоятельство, что частными собственниками являются миллионы граждан, сотни тысяч организаций, и это наглядно свидетельствует о том, что база и экономическая мощь частной собственности намного боль-

* Профессор кафедры «Хозяйственное право; хозяйственное процессуальное право» ТГЮИ, д. ю. н.

ше и шире сравнительно с другими формами собственности. Именно поэтому фундаментом системы рыночных отношений считаются частная собственность и предпринимательство. Частные собственники, вкладывая свое имущество в предпринимательскую деятельность, обеспечивают его сохранность, приумножение и через него формируется стабильный средний слой — класс собственников-предпринимателей. Значит особая забота о частной собственности — важнейший фактор социально-экономического развития нашей страны. На это всегда акцентирует свое внимание Президент нашего государства И. А. Каримов. В своем докладе «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране» на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 12 ноября 2010 года он поставил задачу разработать и принять Закон «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников», который закрепил бы основные гарантии государства по отношению к частной собственности, являющейся основой рыночной экономики.

Конечно, за годы независимости в нашей стране в сфере укрепления и защиты права частной собственности осуществлены кардинальные реформы. В процессе разгосударствления и приватизации частная собственность стала ведущим сектором в сфере экономики. Навсегда покончено с государственной монополией на организацию производства и распоряжение имущественными ресурсами. Фигура предпринимателя-собственника все чаще отождествляется или ассоциируется с частным собственником. Сформирована законодательная база частной собственности: детально регламентированы правомочия собственника, формы и способы их защиты, постоянно расширяется круг ее объектов.

Вместе с тем, следует признать реально существующие проблемы по защите права частной собственности. Стало ярко выраженной тенденцией применение различных ограничений и оговорок в подзаконных актах и в правоприменительной практике. При этом порою кажется, что компетентные органы при моделировании механизма правового регулирования по отдельным объектам частной собственности (особенно по денежным и валютным средствам, драгоценным металлам, ценным бумагам, недвижимому имуществу и т.п.) заранее ориентируются на пресечение недобросовестности и злоупотреблений частного собственника. Раньше это не очень беспокоило класс предпринимателей-собственников. Они с пониманием отнеслись к различным ограничениям и установлению строгой отчетности и контролирования. Все списывалось на издержки переходного периода. Однако, когда мы особо подчеркиваем наши успехи, о том что в нашей стране уже создана и функционирует система рыночных отношений и ее правовые институциональ-

ные структуры и компоненты, мы должны отказаться от системы государственной поддержки переходного периода.

Компетентные органы должны научиться работать в нормальных условиях, ориентируясь на презумпции добросовестности предпринимателя-собственника. Не надо опасаться от такого предубеждения, по которому предоставление полноценных возможностей реализации всех правомочий собственника обязательно приводит к злоупотреблениям, манипуляциям и другим нежелательным последствиям. Компетентные органы в дальнейшем должны действовать без использования механизмов ограничений и особых полномочий. В новом Законе «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» должен быть поставлен заслон установлению законодательством ограничений прав собственника и неконституционных условий ее реализации, особых прав компетентных органов. Все подзаконные акты, препятствующие свободному осуществлению прав частного собственника, должны быть признаны ничтожными, то есть недействительными.

Должны быть усилены гарантии прав частного собственника при изъятии объектов собственности по государственным (общественным) нуждам. Действующие нормы о предоставлении равноценного имущества или возмещении убытков в полном объеме в таких случаях реально не работают. Да и для использования этих гарантий собственник должен очень долгое время стоять у порога чиновников. Собственник для того, чтобы получить то, что положено по закону должен истощать и нервы, и время. Конечно, следует признать, что есть необходимость существования такого основания как принудительное прекращение права собственности. Однако, в новом законе должен быть предусмотрен особый порядок и гарантии, которые существенно обеспечат участь собственника. При принудительном прекращении права собственности по государственным нуждам государственный орган, который принял такое решение, должен доказать законность, обоснованность и целесообразность своего решения перед судом. Решение государственного органа о принудительном прекращении должно быть исполнено только тогда, когда собственник получит удовлетворение, то есть полную компенсацию убытков по рыночной цене или предоставление равноценного имущества. Только такой порядок может служить действенной и эффективной гарантией права частной собственности. При этом следует гарантировать, что собственник не должен нести никаких расходов и на него не могут быть возложены никакие обременения.

Должен быть усилен и расширен арсенал правовых средств защиты права собственности. Вред, причиненный имуществу в результате правонарушений, должен быть обязательно возмещен. Если даже преступнику назначили длительный или пожизненный срок лишения свободы, от это-

го не должны страдать имущественные интересы потерпевших собственников. Осужденный должен быть привлечен к принудительному труду для возмещения вреда. И в дальнейшем, все юридические меры воздействия в отношении такого осужденного должны быть приняты по требованию или с согласия, по крайней мере, с участием собственника-потерпевшего. Преступник должен твердо знать и помнить: со временем ничего не забывается и не списывается.

Не должны быть ограничены во времени (и сроками исковой давности) вступившие в законную силу решения гражданских и хозяйственных судов о защите права собственности и возмещении причиненных убытков частному собственнику. Основание списания безнадежных долгов не должно применяться в тех случаях, когда кредитором является хозяйствующий субъект, основанный на частной собственности.

Основное пространство приумножения и развития частной собственности это предпринимательская деятельность. Именно в этой сфере никакой дискомфорт и притеснения не должны тревожить собственника-предпринимателя. Учредитель-вкладчик коммерческого предприятия не должен отчуждаться от своего имущества. Он должен быть уверен в незыблемости его имущественных прав и законных интересов, закрепленных в законодательстве. Следует разработать более эффективный механизм соблюдения прав собственника-предпринимателя не только его партнерами по бизнесу или государственными органами, но и менеджерами предприятий.

Критическому осмыслению подлежат судебная и административная системы защиты права частной собственности. Хотя в Основном законе закреплено положение о предоставлении равной правовой защиты всем формам собственности, однако в реалии некоторые судьи и государственные служащие все еще относятся к государственной собственности и к интересам государства более благосклонно, и с некоторой подозрительностью к частной собственности. Следует в корне изменить такие стереотипы мышлений. Здесь критерием оценки деятельности уполномоченных лиц должны быть не только соблюдение буквы и духа закона, но и доброжелательное отношение к предпринимателям и частной собственности. Недооценка или непонимание сущности рыночных отношений, предпринимательства и частной собственности должны быть основанием отстранений от должности и привлечения к ответственности государственных должностных лиц.

Бурное и динамичное развитие научно-технического прогресса порождает новые, ранее неизвестные объекты частной собственности. Различные средства интеллектуальной собственности, информационных ресурсов, средств индивидуализации все более активно вовлекаются в предпринимательский оборот. Наравне с материальными объектами

к ним также применяются (с учетом их специфики) нормы о защите собственности частной собственности. Однако в правоприменительной практике все еще не сформирован адекватный механизм защиты прав на эти объекты. В новом Законе должен быть сконструирован всеобъемлющий подход универсального и гибкого механизма защиты прав частной собственности с учетом разнообразия объектов, особенно их новых видов.

При разработке специфических способов и форм защиты частной собственности, видов ее гарантий должны быть изучены правоприменительная и судебная практика, выявлены ситуации, где слабо защищаются интересы собственника, становится уязвимым его правовое положение и требуется создать правовые средства их устранения. Иначе говоря, следует избегать создания декларативных норм, которые в реальности не будут работать. Гарантии права частной собственности должны усилить позиции собственника, когда он сталкивается с недобросовестными пользователями его имущества, чиновничьим произволом и келейностью ведомственных актов.

Нужен новый подход в обеспечении неприкосновенности частной собственности. При реализации воли и сознания собственника не должны подвергаться посторонним манипуляционным воздействиям, которые противоречат его интересам. Порядок и основания лишения права частной собственности должны иметь исключительный характер. Надо покончить с практикой, когда эта процедура является общедоступной и обыкновенной.

Само собой разумеется, что разработка и принятие такого Закона никоим образом не нарушает конституционную норму о равноправии всех форм собственности. Действующие публично-правовые институты обеспечивают надлежащий контроль и соблюдение целевого назначения всех видов публичной собственности. Поэтому в этой сфере субъекты этой собственности не нуждаются в особых гарантиях.

Что касается частных собственников, то решение вышеуказанных проблем посредством принятия специального Закона создало бы условия для расширения имущественных основ предпринимательства, дало бы мощный толчок развитию экономики нашей страны. В конечном итоге, такой Закон выгоден и частному собственнику-предпринимателю, и обществу, и государству в целом.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

С момента обретения независимости формирование демократического правового государства в Узбекистане, прежде всего, было направлено на защиту свободы личности. Ведь верховенство права, верховенство закона, разделение властей, взаимные права и обязанности государства и личности — эти и другие признаки государства характеризуют его как правовое и создают наиболее эффективные условия для реализации свободы личности.

Одной из сфер, которая подвергалась глубоко осмысленным и кардинальным преобразованиям, коренному реформированию, является судебно-правовая система. Объясняется это тем, что без независимой, демократичной судебно-правовой системы невозможно и полноценное функционирование социальной, экономической и духовной жизни страны.

Средством достижения поставленных задач являются совершенствование судебной системы и обеспечение независимости судебной власти, чья деятельность направлена на защиту прав человека, обеспечение социальной стабильности и законности в государстве; либерализация уголовной политики; совершенствование процессуального порядка рассмотрения дел в судах; усиление гарантий судебной защиты и обеспечение её доступности; совершенствование деятельности правоохранительных органов, направленной на защиту прав и интересов человека; улучшение правового воспитания населения, повышение уровня его правовой культуры, создание широкого поля правовой информации и др.

Именно поэтому Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своем докладе на совместном заседании обеих палат Олий Мажлиса 12 ноября минувшего года особо отметил, что одним из ключевых приоритетов демократического обновления страны является последовательная демократизация, либерализация судебно-правовой системы, направ-

Шунигиндек, Ҳукумат томонидан бир қатор қонуности ҳужжатлари ва махсус тадбирлар дастури, хусусан, Миллий чора-тадбирлар платформаси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар давлат сиёсатининг тенг ҳуқуқ ва эркинликлар тамойилини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатнинг халқаро мажбуриятларини кўзда тутувчи устувор йўналишлари ва стратегиясини белгилаб берди.

Миллий чора-тадбирлар платформасида демократик жамият қуриш ва уни ривожлантириш жараёнларида аёллар салоҳиятини ошириш учун Ҳукуматнинг, парламентнинг, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ҳатти-ҳаракатларини бирлаштириш назарда тутилган.

2010 йил Мингйиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинганлигига 10 йил муддат тўлганлиги, ушбу мақсадлар ижроси бўйича БМТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида катта Саммит чақирилиши муносабати билан Ўзбекистон ўзига хос тажрибани амалга оширишга муваффақ бўлди. Хусусан, глобал мақсадлар мамлакатда қандай амалга оширилганлиги, ижроси қай даражада таъминланганлиги, саккиз мақсадга ҳамоҳанг қонунларнинг амалиётда қандай самара бераётгани тўғрисида ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини парламентда эшитди. Ушбу йўналишдаги парламент эшитуви парламентаризм фаолиятида янги усул сифатида намоён бўлди ва бу тажрибани кенгроқ ёйиш янада ўринлидир.

Истиқболда режадаги 2015 йилга қадар яна қандай ҳужжатларни қабул қилиш зарурияти борлигини ўрганиш нуқтаи-назаридан ёндошадиган бўлсак, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари Дастури»да «Фуқароларнинг репродуктив соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси, «Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Инсон ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларини олдини олиш учун биринчи навбатда биз инсон ҳуқуқлари бузилиши деганда нимани тушинишимизни аниқ билишимиз зарур. Бунинг учун Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ўқиб чиқишни ўзи етарли бўлмайди албатта. Фақат «инсон ҳуқуқи» иборасини тагида қандай маъно ётганини англаб, қандай конкрет ҳолатларда уни қўллаш мумкинлигини батафсил муҳокама қилганимиздан кейингина у тўғрисида тўлароқ тасувлурга эга бўлишимиз мумкин.

Гарчан «инсон ҳуқуқлари» тушунчаси анча илгари пайдо бўлган бўлсада, лекин уни жаҳон миқёсида тан олиниши фақат иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдагина БМТ ва бошқа давлатлараро тузилган халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билангина амалга ошди. Ушбу ишни амалга ошишида халқаро миқёсда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларининг ҳам ўрни катта бўлди. Ҳозирги пайтда дунё бўйича минглаб шундай ташкилотлар фаолият юритмоқда. Инсон ҳуқуқлари алоҳида академик предметга айланиб, у дунёдаги кўплаб мамлакатларининг илмий марказлари томонидан ўрганилмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг, жаҳон халқларининг ҳамкорлиги, нодавлат ташкилотларининг, илмий ва ўқув муассасаларининг фаолияти натижасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳаракат юзага келди. Ушбу ҳаракат дунёда ҳозирги пайтда жуда катта салоҳиётга эга бўлиб, у инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кўплаб муоммаларни кўтариб чиқаётган катта кучга айланмоқда, шу боис бу ҳаракат билан дунёдаги барча давлатларнинг раҳбарлари ҳисоблашишга мажбур бўлишмоқда.

Юқоридаги келтириб ўтилган ҳолатлар ўз навбатида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни жорий этишни тақоза этмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар уни халқаро миқёсда тутган ўрни давлатларнинг фуқаролар билан муносабатини тартибга солишга, ноҳақлик ва асосиз таъқиб этишни олдини олишда ўзаро тил топишиш учун ёр-

* Юристар малакасини ошириш маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлари кафедраси мудири, ю. ф. н.

дам беради. Ушбу стандартлар ҳамма инсонларни тенглигини тан олишни ва асоссиз таъқиб этишни олдини олишни талаб этади. Аёллар, болалар, кам сонли миллатлар, элатлар ва қачоқлар, дунёдаги бойлар билан қамбағаллар ўртасидаги фарқ, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳарбий низоларни олдини олиш — булар инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим йўналишлардан айримларидир.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар инсон ҳуқуқларини тасдиқлаб, уни таъминлашни тавсия этишмоқда, аммо инсон ҳуқуқларини тан олиш биринчи навбатда ҳар бир давлатнинг ишидир.

«Инсон ҳуқуқлари ҳеч қайси маданиятга бегона эмас ва барча халқларга тегишлидир; инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадрият ҳисобланади» (Кофи Аннан, БМТнинг собиқ Бoш Котиби).

Инсонларнинг қадр-қимматига, ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш — бу давлат раҳбарлари, полиция, суд органлари, соғлиқни сақлаш, жазони ижро этиш тизимлари ва бошқа давлат идораларининг олдида турган муҳим вазифадир.

Давлат мустақиллиги эълон килинганлиги шарофати билан Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига, халқаро ташкилотлар фаолиятининг фаол иштирокчисига айланди.

Мамлакат парламенти истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. 2002–2004 йиллар ичида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг олти тўплами ўзбек тилида нашр этилди. Бу борадаги ишлар янада жадал суратларда давом эттирилмоқда.

Одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг аҳамияти ниҳоятда улкандир. XX асрнинг ўрталарига қадар ҳам одил судловни амалга ошириш масалалари фақатгина давлатларнинг ички ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиб келинарди. Ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ нормаларидан қатъи назар, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий ҳолатини, процессуал қонун ҳужжатларини миллий доирада мустаҳкамлаб келган. Бинобарин фақатгина миллий қонунчилик ваколатига тегишли, деб ҳисобланган.

XXI аср бошларига келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган мустақил соҳага айланди.

Халқаро ташкилотлар иштирокчиси бўлган давлатлар бевосита инсонларга нисбатан қўлланиладиган нормаларни борган сари кўп ишлаб чиқиб, қабул қилмоқдалар. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда давлатлар зиммасига шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш мажбурияти юклатилмоқда. Бундай ҳуқуқ ва эркинликлар бузилгани даврларда эса ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро-ҳуқуқий

ҳужжатларга мувофиқ миллий суд органларига, ҳам халқаро органларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликка, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига халқаро ҳуқуқнинг таъсири ошиб бораётганидан далolat беради.

XXI асрда халқаро ҳуқуқ ва БМТ фаолиятининг диққат марказида инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 55-моддасига мувофиқ БМТ халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойилини ҳурмат қилишга асосланган миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстона муносабатлар учун зарур барқарорлик ва фаровонлик шароитини вужудга келтириш мақсадида «инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутларидан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашади». Бу халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг стратегик йўлидир. Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида одил судловни амалга ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил объектига айланди.

Одил судловни амалга оширишга дахлдор асосий принциплар ва стандартлар инсон ҳуқуқларига доир кўпгина ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига оид бир қанча халқаро битимларда мустаҳкамланган. Халқаро муносабатларнинг иштирокчи-давлатлари томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин универсал ва минтақавий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган бўлиб, уларда одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига оид халқаро андозалар мустаҳкамланган. Қуйида улар ҳақида фикр юритамиз.

Жамиятимизнинг ривожланиши одатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлари олдига ўз хизмат йўналишлари бўйича билимлари, хизмат, жисмоний ва жанговор тайёргарликларидан ташқари янги-янги талаблар кўймоқда. Буларга ходимларни халқаро ҳуқуқ нормалари талабларини билиши, яхши коммуникатив қабилиятга эга бўлиши, чет тилларини яхши билишини ҳам талаб этмоқда.

Шу сабабли, бугунги кунда турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган қандай структура тузиш лозим деган саволга жавоб берадиган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларни олиб боришдан мақсад идоралари учун ягона халқаро стандартлар ишлаб чиқишдир.

Ички ишлар идоралари учун ягона халқаро стандартларни жорий этишга дастоввал трансмиллий жиноятларнинг сонини ошиши ҳамда миллий полиция кадрларни тайёрлаш тизимидаги кўпгина фарқларни

баб бўлди. Бу ҳолат шу соҳадаги ҳамкорликка ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашни қийинлаштириб қўймоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун халқаро стандартларни фаолият йўналишига қараб 2 та гуруҳга бўламиз: а) соҳавий стандартлар (профессионал), б) инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган стандартлар. Профессионал стандартлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини хизмат тайёргарлигини оширишга, жиноятчиликка қарши курашда куч ва воситаларни самарадорлигини оширишга, одил судловни амалга оширишга, жиноятчиликка қарши кураш учун ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун халқаро стандартларни яна қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун умумий стандартлар;
- 2) алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси учун тегишли бўлган стандартлар;
- 3) мажбурий стандартлар (конвенция ва битимларда кўрсатилган мажбуриятлар бўйича);
- 4) тавсия шаклидаги стандартлар (декларациялар);
- 5) универсал стандартлар;
- 6) минтақавий стандартлар.

Халқаро универсал стандартлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади. Минтақавий (регионал) стандартлар минтақавий ташкилотлар томонидан (ЕХХТ, Европа иттифоқи, ШОС, ЕвРА-ЗЭС ва х.к. қабул қилинади.

Давлатлар ўртасидаги турли алоқаларни ривожланиши, терроризм, наркотрафик, одамлар савдоси муоммалари, миграция жараёнларини кучайиши ва халқаро жиноятчиликни ўсиб бориши и.и.и. учун ягона стандартларни яратиш лозимлигини таққоза этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги ислоҳатларни амалга ошириб бормоқда, бу эса демократик йўлдан бораётган ҳар бир давлат учун зарурдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун халқаро стандартлар энг аввало бир қанча халқаро конвенция, декларация ва пактларда ўз ифодасини топган. Қуйида биз уларни айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция 1984 йил 10 декабрда қабул қилиниб, 1987 йил 26 июнидан эътиборан кучга кирган. Конвенциянинг 1-моддасида қийноқ тушунчасига таъриф берилган. Конвенциянинг 2–16-моддаларида давлатларнинг қийноқларни тақиқлашга нисбатан мажбуриятлари белгиланган. Хусусан, қийноқларга нисбатан мутлақ тақиқ белгилаш, шунингдек қийноқ остида айбла-

нувчидан олинган кўрсатмани далил сифатида қабул қилмаслик тартиб-бини ўрнатиш мажбурияти баён этилган. Конвенциянинг ижроия органи ҳисобланмиш «қийноқга қарши кўмита» ҳам тузилиб, у 10 нафар инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлардан иборат.

БМТнинг иккинчи ҳуқуқий ҳужжати 17 декабрь 1979 йилда қабул қилинган Ҳуқуқ — тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар ахлоқ кодекси ҳисобланади. Унда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш масаласи кўпгина инсонларнинг ҳуқуқларига, қолаверса жамиятга бевосита таъсир кўра-тиши қайд этиб ўтилган. Кодекснинг асосий мазмунини полиция вазифа-сини адо этувчи мансабдор шахс энг аввал фуқароларнинг кадр-қимма-тини ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ҳамда барча инсонларнинг ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиши ҳақидаги қоидалар ташкил этади. Хусусан, Кодекс қийноқлар қўлланилишини ёки коррупция билан боғлиқ бирорта ҳара-кат содир этишни таъқиқлайди, куч фақат охири зарурат шаклида қўл-ланилиши мумкинлиги ҳамда иш фаолияти юзасидан маълум бўлган ҳо-латлар сир сақланишини, ушланган шахсларнинг соғлиги ва хавфсизли-ги тўлиқ таъминланиши лозимлигини белгилаб қўйган.

1990 йил 7 сентябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қа-бул қилинган Ҳуқуқ тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар куч ва ўқотар қурол ишлатишининг асосий принципларида қўллани-ладиган куч ва ўқотар қуролларини қўллаш тартиблари батафсил кел-тириб ўтилган. Ушбу принципларда ноқонуний йиғинлар пайтида ҳам-да хибсда сақланаётган ёки ушланган шахсларга нисбатан ўқотар қу-роллари қўллаш тартиби ҳақидаги алоҳида қоидалар киритилган. Асосий эътибор куч ва ўқотар қуролларини фақат охири чора си-фатида қўлланилиши лозимлиги, янги, ўлимга олиб келмайдиган ле-кин актив ҳаракатларни зарарсизлантирадиган қурол турларини яра-тиш, мансабдор шахслар уларни қўллашда содир этилган жиноятни оғирлиги, хавфлилик даражасига қараб ҳаракат қилишлари лозимли-ги қайд этилган.

1985 йилда БМТнинг VII Конгрессида жиноятларни олдини олиш бўйича муҳим бўлган ҳужжат қабул қилиниб у «Милан ҳаракат дасту-ри» деб номланди. Ушбу ҳужжатда жиноятларни олдини олиш бўйича хал-қаро ва миллий миқёсда муҳим тавсиялар ишлаб чиқилди.

1990 йил 14 декабрида БМТнинг БА нинг 45/112 ва 45/113-сонли резо-люциялари билан тасдиқланган БМТнинг «Вояга етмаганлар ўртасида жи-ноятчиликни олдини олиш бўйича раҳбарий принциплари» ишлаб чиқи-либ, бу ҳужжат тарихда «Эр-Рияд раҳбарий принциплари» деб номланди. Мазкур принципларда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш бўйича халқаро стандартлар, яъни «ижтимоий риск» гуруҳига ки-рувчи ота-оналари томонидан ташлаб кетилган ёшлар, тарбиясиз қолган-лар ва бошқа суистъемол қурбонларини ҳимоя қилиш тадбирлари иш

лаб чиқилди. Асосий эътибор болалар ҳимояси масаласи, уларни ҳар хил салбий таъсирлардан асраш, уларга нисбатан одил судловни амалга оширишда алоҳида ёндашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

2001 йил 15 июнда имзоланган «Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция»да ҳам кўпроқ терроризмга қарши кураш, уни молиявий таъминотдан маҳрум қилиш, террористик ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаган ҳар қандай ташкилотларга ва давлатларга нисбатан тегишли санкциялар қўллаш чора-тадбирларга белгиланган. Мазкур конвенция асосида бизнинг республикамызда шу номдаги қонун қабул қилинган.

10 декабрда бутун прогрессив инсоният инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини нишонлайди. Бундан 60 йил муқаддам, яъни 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилгач, ушбу кун жаҳонда «Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари кунини» сифатида нишонлана бошлади. Мазкур Декларация Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам имзонлангандан кейин, ундаги муҳим қоидалар Республикамызнинг Конституциясининг 24–46 моддаларида ўз ифодасини топди.

XXI асрнинг боши мамалакатимизнинг ички сиёсатида улкан ўзгаришлар билан бошланди. Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида туб ўзгаришлар юз берди. Жумладан, миллий қонунчилигимизни халқаро декларация, конвенциялар талабларига уйғунлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, қонунларимизни янада либераллаштириш ишлари жадал суратлар билан амалга оширилди.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

2 011 йил 14–15 июн кунлари Остона шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цинтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбоева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга кузатувчи мақомидаги давлатлар делегациялари раҳбарлари — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежод, Покистон Президенти Осиф Али Зардорий, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Соманаҳалли Кришна, Мўғулистон Президенти маъмурияти раҳбари Баттулга Дашжамс, раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида таклиф этилган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, шунингдек, БМТ, МДҲ, ОДҚБ каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирокчилар сафидан жой олди¹.

Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШХТнинг 10 йиллик юбилей саммити ҳамдир. Шу муносабат билан ушбу мажлис иштирокчилари босиб ўтилган ўн йилликда амалга оширилган ишларнинг сарҳисобини қилишга ҳамда истиқболдаги режалар муҳокамасига катта эътибор қаратдилар. Мажлисда ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ШХТнинг тарихи ва бугуни. ШХТ ташкил этилган дастлабки кунларданок иштирокчи давлатлар ўртасида минтақадаги хавфсизлик, терро-

* Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти в.б., ю.ф.н.

1 Шанхайская организация сотрудничества: солидарное противодействие глобальным вызовам и обеспечение устойчивого развития. К итогам заседания Совета глав государств-членов ШОС 14–15 июня 2011 года в городе Астане. <http://www.mfa.uz>.

ристик актларнинг олдини олиш, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Тажовуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

ШХТнинг салоҳияти ва дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун куйидаги маълумотлар ҳам етарли бўлади.

ШХТ таркибига кирувчи давлатларнинг ҳудуди Евроосиё умумий ҳудудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн. км²ни ташкил этади. Демографик жиҳатдан эса, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудларида истиқомат қилади.

Сўнги йилларда ташкилотнинг нуфузи янада ортиб бормоқда. Минтақанинг Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Мўғулистон каби давлатларининг ШХТга қизиқиши ортиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади.

МДХ, АСЕАН давлатлари, Афғонистоннинг ШХТ саммитларига таклиф этилиши, Белоруссия, Шри-Ланка давлатларининг мулоқот ҳамкори сифатида танилгани ташкилотнинг истиқболидан дарак беради. Шуни ҳам айтиш жоизки, Покистон, 2008 йилнинг мартида, эса Эрон Ислом Республикаси ШХТга аъзо бўлиш истагида расман мурожаат қилган.

Жаҳон тажрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишнинг самарали усули мустаҳкам ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШХТнинг ўз олдига қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир.

2007 йилнинг 1 октябрида ташкилот Бош котиби иштирокчи давлатларни ноқонуний гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга чақирди. Ўша даврдан бошлаб бир неча антитеррор машғулотлар ўтказилди. Ўзбекистоннинг ШХТдаги биринчи раслиги даврида, 2004 йилда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор маркази ташкил этилди ҳамда унинг штаб квартираси Тошкентда жойлаштирилди.

ШХТ иштирокчи давлатлари ҳамкорлиги доирасидан маданий алоқалар ҳам муҳим ўрин олган. 2002 йил 12 апрелда Пекинда бўлиб ўтган маданият вазирларининг йиғилишида бу ҳамкорликка тамал тоши қўйилди.

Илк даврида ўзаро хавфсизлик бўйича ҳамкорлик қилишни мақсад қилган ташкилот амалда ўша вақтнинг ўзидаёқ иқтисодий соҳада ҳам кенг ҳамкорликларни йўлга қўйди. Бир неча ой ўтибоқ иштирокчи давлатлар ҳукумат раҳбарларининг Остонадаги йиғилишида мавжуд савдо-иқтисодий вазиятни муҳокама қилишди ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-инвестиция соҳасида қулай шарт-шароитларни яратишни йўлга қўйишдаги асосий мақсадлар ва йўналишлар борасидаги Меморандумга имзо чекишди.

Дарҳақиқат, ўтган ўн йил янги халқаро тузилманинг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлди. Ушбу тарихан қисқа даврда ШХТ ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўтган саммитлардан бирида таъкидлаганидек, «ШХТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилиқ қиладиган блок хусусиятига эга эмас».

Ўтган йиллар мобайнида ШХТда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишни, ШХТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, социал-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. Шунингдек, ташкилотнинг институционал асоси шакллантирилди, тузилмавий органлари барқарор фаолият кўрсатмоқда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларини фаоллаштириш таъминланмоқда. Булар Ташкилотнинг очиқлиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

«Шу муносабат билан ШХТнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қиладиган қуйидаги омилларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Ислом Каримов. — ШХТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир.

Учинчидан, ШХТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилиқ қиладиган блок хусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда»¹.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик

1 Шанхайская организация сотрудничества: солидарное противодействие глобальным вызовам и обеспечение устойчивого развития. К итогам заседания Совета глав государств членов ШОС 14–15 июня 2011 года в городе Астане. <http://www.mfa.uz>.

аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолаётганини таъкидлади.

Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг 2008 йилнинг апрел ойида Бухарестда билдирилган яққол муносабати яна бир бор мазкур нуфузли ташкилот минбаридан янгради.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётда татбиқ этилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда ШХТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма фаолияти айтиб ўтиш ўринли.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бутун дунё мамлакатларини қамраб олган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари алоҳида эътиборга моликдир. Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик кейинги йилларда айниқса қизгин тус олмоқда. ШХТ ва БМТ ўртасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, ШХТнинг БМТ ва минтақавий ташкилотлар ўртасида олий даражада бўлиб ўтадиган йиғилишлардаги иштирокидан, яъни 2003 йили Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган, мазкур мақомдаги йиғилишда иштирок этишидан бошланган эди.

2004 йилнинг феврал ойида ШХТнинг Ижроия котиби (2007 йилдан буён — ШХТнинг бош котиби) БМТга расмий мурожаат қилгандан сўнг, 2004 йил 2 декабрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясида ШХТга Бош Ассамблея ҳузурида кузатувчи мақомини тақдим этилиши бўйича резолюция қабул қилинди. Халқаро ташкилотларда кузатувчи мақоми, одатда, аъзо бўлмаган давлатларга ёки ташкилотнинг органига аъзо бўлмаган давлатларга тақдим этилади. Улар асосий мажлисларда иштирок этиш ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2005 йилда БМТ Бош котиби ШХТ Ижроия котибига раасмий хат йўллаб, уни 2005 йилдаги Бутунжаҳон олий даражадаги учрашув ишида иштирок этишга ва БМТ Бош Ассамблеясининг 60-юбилей сессиясида кузатувчи сифатида иштирок этишга таклиф этди. ШХТ Ижроия котиби Чжан Дегуан 2005 йил 16 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида ўз нутқи билан иштирок этди¹.

ШХТ ва БМТ ўртасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, мазкур ташкилотларнинг тузилмавий органлари доирасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик шаклида ҳам ривожланиб бормоқда. ШХТ БМТнинг ЭСКАТО, БМТРД каби тузилмалари билан халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик олиб бормоқда.

1 Рашидов Х.С., Файзуллаев А.А. ООН и ШОС: новый этап сотрудничества /Ж. Халқаро муносабатлар. № 1, 2010. — С. 6.

2008 йилнинг январ ойида ШХТ ва ЭСКАТО Котибиялари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг муайян шакллари ва соҳаларини кўзда тутувчи ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Мазкур Меморандумда шунингдек, биргаликда фаолиятни амалга оширишни таҳлил қилиш мақсадида ва алоқаларни янада фаоллаштириш йўллари тўғрисида экспертлар маслаҳатлашувларини ва муҳокамаларини ҳамда ўзаро манфаатларни акс эттирувчи ахборотларни алмашувини келишиб олинган.

2009 йилнинг июнида ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор маркази (РАЦ) Ижроия қўмитасининг мансабдор шахсларини БМТ Хавфсизлик кенгаши Контртеррористик қўмитасининг Ижроия директорати (ХК КТҚ ИД) техник ёрдамни баҳолаш бўйича Директори билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар ШХТ аъзо давлатларига БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларини бажариш бўйича техникавий кўмаклашув бўйича ҳамкорлик йўналишларини; давлатларнинг антитеррористик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризмга қарши курашнинг турли соҳаларида илғор амалиётлар тўғрисидаги ахборотлар алмашувини; РАЦ Ижроия қўмитаси вакилларини КТҚ ИДнинг терроризмга қарши кураш бўйича халқаро семинарлар ўтказишида, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ШХТ аъзо-давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда махсус хизматлари ходимлари учун тренинглар ва ўқув курсларини ўтказишида иштирок этишини муҳокама қилишди.

Ўзбекистон ва ШХТ. Ўзбекистон ўзининг ШХТдаги иштирокига улкан масъулият билан ёндашади. Мамлакатимизнинг 2004 ва 2010 йилларда мазкур ташкилотга раислик қилгани, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлар, жумладан, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, ШХТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

ШХТнинг республикаимиз манфаатлари билан ҳамоҳанг яна бир жиҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Таъкидлаш лозимки, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор маркази (РАЦ) Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги биринчи раислиги даврида, 2004 йилда ташкил этилган, унинг штаб квартираси Тошкентда жойлашган. Мамлакатимиз РАЦни, БМТ Хавфсизлик кенгаши Аксилтеррор қўмитасини ташкил этиш сингари халқаро-ҳуқуқий ташаббуслари Ўзбекистоннинг ШХТдаги иккинчи раислиги даврида, яъни 2010 йилда ҳам илгари сурилди. Бундай ташаббус, 2009 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШХТнинг аъзо-давлатлар Миллий координаторлари билан учрашувида ШХТнинг 2009–2010 йиллардаги фаоли-

ятининг устувор йўналишлари ва режаларини муҳокама қилиш пайтида ҳам илгари сурилди¹.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг хосилавий ташкилотлари бўлмиш БМТ ва ШХТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришида, халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳам катта ҳисса қўшмоқда. БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация айнан Ўзбекистон раислиги даврида имзоланди.

2009 йил октябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг ёрдамчи органларидан ҳисобланмиш Олтинчи қўмитаси мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг раиси сифатида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси делегацияси БМТ ва ШХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш лозимлигини қайд этиб ўтди².

2010 йилнинг апрел ойида БМТ Бош котибининг Ўзбекистонга ташрифи жараёнида, Ўзбекистон ташаббуси нафақат мамлакатимизни мазкур Ташкилот билан ҳамкорлиги масалаларини қамраб олди, балки машкур ташриф чоғида минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва БМТ Бош котиби мулоқоти якунида БМТ билан ШХТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Ушбу декларация нафақат Ўзбекистон, балки барча ШХТга аъзо давлатларнинг дипломатик фаолиятларини кенгайтиришга янги имкониятлар эшиги очганлигини эътироф этиш мумкин³.

Икки нуфузли ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик Марказий Осиё мамлакатлари миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва тинчликка таҳдид солаётган халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм, ноқонуний наркотрафик, каби иллатлар, Орол муаммоси, иқлимнинг ўзгариши каби минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишда давлатлар фаолиятларини янада самарали мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Истиқбол. Саммит якунида ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўтган даврда ШХТ фаолиятининг асосий натижалари ва ютуқларини, аъзо давлатларнинг минтақа ва дунёдаги бугунги вазиятга қарашларини, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва устувор йўналишларда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар ечимига ёндашувларини акс эттирган Ўн йиллик декларацияси қабул қилинди.

1 Прием в резиденции Оксарой. УзА, 11.09.2009. <http://uza.uz/ru/politics/7731>

2 Узбекистан выступает за укрепление сотрудничества между ООН и ШОС в борьбе с терроризмом. http://mfa.uz/rus/prensa_i_media.

3 Нурутдинов Ҳ. А. Ўзбекистоннинг кўп векторли замонавий дипломатиясининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дирасида ривож топиш истиқболлари. /Ж. Халқаро муносабатлар. № 1, 2010. — С. 103.

Шунингдек, 2011–2016 йилларга мулжалланган Антинаркотик стратегия ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ШХТ маконида наркотиклар билан боғлиқ таҳдидларни бартараф қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2010 йилда Тошкент саммитида тасдиқланган ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Ташкилотга давлатларни қабул қилиш процедурасини тартибга солиш мақсадида ШХТга аъзо мамлакат мақомини олиш учун ариза берган давлатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги намунавий меморандум имзоланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу битим томонлар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва сифатини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни назарда тутди.

Ўзбекистон ШХТ маконида миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобил, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШХТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хитойнинг ШХТ Тараққиёт банкини тузиш тўғрисидаги таклифи амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бу Ташкилот доирасида социал-иқтисодий ва инфратузилмага оид устувор лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп томонлама механизмини шакллантиришга йўналтирилган, аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни янада самарали бажариш имконини беради.

Бу борада жорий йилнинг апрел ойида Ашхободда имзоланган Ўрта Осиё — Форс кўрфази янги халқаро транспорт йўлагини шакллантириш тўғрисидаги давлатлараро битимнинг ҳаётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Истиқболда бу йўлак ШХТ маконини ерусти йўллари орқали Форс ва Уммон кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари анжуман яқунларини сарҳисоб қилар экан, «барчамиз учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда наркобизнесга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва ШХТни кенгайтириш бўйича бугун қабул қилинган қарорлар Ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлади», деб ишонч билдирди.

Саммитда ШХТга раислик Хитой томонига ўтди. Давлат раҳбарлари Хитой Халқ Республикасининг ўз раислиги даврини ШХТ маконида «Яхши қўшничилик ва дўстлик йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик борган сари ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда. Бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий соҳаларни янада кенгроқ қамраб олаётганида, жугрофий чегараларнинг кенгайиб бораётганлигида, ҳамкорлик алоқалари халқаро-ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланаётганлигида, ташкилот фаолиятидан кенг халқ оммасининг бевосита манфаатдорлигини ошиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

СООТНОШЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ И ВНУТРИГОСУДАРСТВЕННЫХ НОРМ ИЗБИРАТЕЛЬНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Выборы являются важнейшей формой контроля граждан за деятельностью государственных и муниципальных органов, а институт народовластия выражающийся в избирательном праве, является одним из важнейших конституционно-правовых институтов. Избирательное право представляет собой совокупность правовых норм, регулирующих право граждан избирать и быть избранными в органы государственной власти и органы местного самоуправления и порядок осуществления этого права.

Особенностью избирательного права является высокий удельный вес процессуальных норм, то есть норм, устанавливающих наличие развитого института народовластия в стране является главным фактором реализации в обществе подлинно демократических принципов жизни, что немаловажно для большинства стран мира, выбравших демократический путь развития, в том числе и для Республики Узбекистан. Становление и развитие демократического избирательного права в Республике Узбекистан стало одним из существенных своих условий юридического обеспечения императивного проведения выборов как единственно допустимого легитимного способа делегирования власти народа представительным государственным органам и органам местного самоуправления.

Порядок проведения выборов в Республике Узбекистан регулируется многочисленными нормами, в совокупности составляющими институт выборов — систему норм, регулирующих процесс избрания кандидатов в представительные органы и на выборные государственные должности. Эти нормы устанавливают: основные принципы избирательного права, требования, относящиеся к избирателям и кандидатам; порядок организации и деятельности органов, осуществляющих проведение выборов, создание территориальных и иных избирательных единиц, от которых избираются кандидаты; статус избирателей, избирательных объ-

* Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, к. ю. н., д. р. н. н.

единений и избирательных коллегий: процедуры предвыборной агитации и голосования, порядок определения результатов выборов; способы обжалования и опротестования результатов выборов.

С обретением независимости и в результате реформ избирательного законодательства в нашей стране в 90-е годы в системе выборов стали проявляться новые демократические тенденции. Впервые граждане Республики Узбекистан осознали свою ответственность за выбор того или иного кандидата в руководящие органы власти в стране и на местах, затрагивающие интересы всех слоев общества независимо от материального и социального положения. Возрос интерес населения к изучению избирательного права, законов, Конституции Республики Узбекистан и других стран. Повысилась правовая культура избирателей, политическая зрелость и активность.

Постепенно происходит имплементация избирательных норм — стандартов передовых демократических государств, приобщивших к международным нормам избирательного права. Термин «имплементация», однако, не единственный из терминов, которые используются для обозначения данного процесса. Одни авторы говорят в этом случае об отсылке, рецепции и трансформации, другие — о трансформации и отсылке или о рецепции и трансформации. Но суть остается одна: в юридической связи двух указанных систем права, в процедуре, посредством которой нормы одной системы (международной) приобретают действительность в рамках другой (внутригосударственной).

В этой связи представляется целесообразным рассмотреть эти идеи, ценности, принципы, которые должны становиться базовыми, основными для формирования источников избирательного права.

Данные нормы не просто являются частью правовой системы, но и зачастую восполняют пробелы в конституционном законодательстве Республики Узбекистан. Так, Конституция Республики Узбекистан не содержит принцип всеобщего и равного избирательного права при тайном голосовании, применительно к обеспечению избирательных прав граждан на выборах всех уровней. Данные положения закрепляются конституционными нормами лишь в отношении выборов Президента Республики Узбекистан (ст. 90), а также в законодательстве, что, как представляется, не соответствует уровню регулирования данных отношений. Таким образом, вышеприведенные принципы международного права логично имплементированы в конституционное право Республики Узбекистан и составляют конституционно-правовое регулирование в надлежащей иерархии норм сообразно уровню и важности регулируемых отношений.

Среди международно-правовых актов, составляющих источники конституционно-правового института выборов, следует также упомянуть Европейскую Хартию местного самоуправления, которая закрепляет

ет основные принципы осуществления местного самоуправления в качестве самостоятельного уровня публичной власти. Хартия устанавливает, в частности, что местное самоуправление осуществляется демократически избранными органами... советами или собраниями, состоящими из членов, избранных путем свободного, тайного, равного, прямого и всеобщего голосования.

Несомненно, к источникам избирательного права следует отнести и основные принципы проведения выборов и референдумов в Республики Узбекистан, включение которых в состав норм конституционного права связано с большой важностью указанных положений, принципиальным, основополагающим их характером, стабильностью регулирования и непосредственным воздействием, что отличает именно конституционно-правовые нормы. Так, Конституцию Республики Узбекистан следует рассматривать в качестве источника избирательного процесса исключительно как основополагающий акт, воздействующий на все сферы общественной жизни и являющийся источником практически всех отраслей права постольку, поскольку ее нормы распространяются на регулирование отношений предмета данных отраслей.

Таким образом, источники избирательного права закрепляют в своем содержании общепринятые принципы избирательного права, под которыми понимаются основополагающие начала организации и проведения выборов. К их числу относится: всеобщее избирательное право, равное избирательное право, прямые выборы, тайное голосование.

Принцип всеобщего избирательного права означает, что каждый гражданин Республики Узбекистан, достигший определённого возраста, независимо от расовой, национальной принадлежности, пола, вероисповедания, образования, социального происхождения, имущественного положения и т. д. имеет право избирать (то есть пользуется активным избирательным правом) и быть избранным (пользуясь пассивным избирательным правом) в соответствующие органы государственной власти. Законодательством установлен единый возрастной ценз для реализации гражданами своего активного избирательного права — 18 лет. Не могут избирать и быть избранными граждане, признанные судом недееспособными, и граждане, содержащиеся в местах лишения свободы по вступившему в законную силу приговору суда.

Нормы избирательного права установили организационные и правовые гарантии реализации гражданами указанного принципа. К числу организационных гарантий относятся:

четко регулируемый нормативно-правовыми актами порядок составления списков избирателей;

возможность досрочного голосования избирателями, которые не будут находиться в день выборов в месте своего постоянного жительства.

организация голосования по месту нахождения граждан, не имеющих возможность прибыть на участок для голосования по состоянию здоровья или другим уважительным причинам.

Осуществление принципа всеобщего избирательного права обеспечивается и мерами уголовно-правовой защиты. Норма Уголовного кодекса Республики Узбекистан устанавливает, что воспрепятствование путем насилия, обмана, угроз или подкупа реализации гражданином своих избирательных прав наказывается в судебном порядке.

Единый возрастной ценз определен и для осуществления гражданами Республики Узбекистан права быть избранными в представительные органы государственной власти — 21 год. Более высокий, по сравнению с правом избирать, возраст для кандидатов в депутаты и члены Сената Олий Мажлиса установлен исходя из необходимости наличия определенного жизненного опыта и большей ответственности перед избирателями — 25 лет.

Нормативно-правовыми актами, регулирующими порядок подготовки и проведения выборов, установлены правила о несовместимости занятия определенных должностей и выполнения депутатских полномочий. Так, Конституция Республики Узбекистан закрепляет положение, в соответствии с которым депутаты Законодательной палаты не могут, находясь на государственной службе, заниматься другой оплачиваемой деятельностью, кроме преподавательской, научной и иной творческой деятельности (ст. 88). Эта же статья Конституции Республики Узбекистан, а в соответствии с ней и нормы законодательства установили, что депутат и член Сената пользуются правом неприкосновенности.

Кроме того, Конституция Республики Узбекистан содержит дополнительное ограничение: одно и то же лицо не может одновременно являться членом Сената и депутатом Законодательной палаты. Следует, однако, иметь в виду, что наличие запрета на совмещение государственной службы и выполнения депутатских обязанностей само по себе не является препятствием для выдвижения кандидатуры какого-либо государственного служащего на пост депутата. В соответствии с законом лица, у которых должность или занятия несовместимы с мандатом депутата, дают письменное обязательство о прекращении соответствующей деятельности в случае избрания депутатом. Неисполнение этого обязательства влечет за собой признание избрания соответствующих лиц недействительным.

Равное избирательное право означает, что избиратель наравне с другими имеет только один голос и что избиратели участвуют в выборах на равных основаниях. Равенство голосов избирателей обеспечивается:

- обязательностью занесения фамилии избирателя только в один список — по месту постоянного жительства;

- выдачей избирательного бюллетеня по документу, удостоверяющему личность, росписью избирателя о получении избирательного бюллетеня.

Участие избирателей в выборах на равных основаниях осуществляется путем создания однотипных избирательных единиц (округов), для которых устанавливаются общие нормы представительства.

Прямые выборы означает, что депутаты во все представительные органы государственной власти избираются гражданами непосредственно.

Тайное голосование выражается в установлении законодательством такого способа голосования, когда волеизъявление избирателя происходит скрытно и результаты его голосования неизвестны другим лицам. Тайна голосования обеспечивается тем, что:

- избирательные бюллетени не нумеруются и не содержат никаких пометок, которые позволили бы установить личность голосующего;
- в помещении для голосования оборудуются кабины для тайного голосования либо пригодные для тайного голосования комнаты. В этих кабинках или комнатах не допускается присутствие кого бы то ни было, кроме голосующего. Избиратель, не имеющий возможности самостоятельно заполнить бюллетени, вправе пригласить в кабину или комнату для тайного голосования любое лицо, кроме члена избирательной комиссии или наблюдателя. Нарушение принципа тайного голосования членами избирательных комиссий, должностными лицами государственных органов и общественных организаций влечет привлечение виновных к уголовной или административной ответственности.

Следует отметить, что за последнее время правовая культура общества стала заметно повышаться, что увеличивает интерес народа к политической жизни страны, неминуемо связанной с избирательным правом и институтом народовластия. Появляются тенденции перехода избирательного права из статуса института конституционного права в статус отдельной отрасли права.

Для объективного избирательного права характерна естественная связь с субъективными избирательными правами граждан, которые являются главными их обладателями. Немаловажное значение для понимания природы избирательного права имеет учет специфики конституционных прав, которые вытекают непосредственно из Конституции: будучи реализованными в конкретном правоотношении, не прекращаются и не возникают вновь, а существуют постоянно: имеют одинаковый объем и содержание для всех граждан: обладают особым механизмом обеспечения. Соответственно и конституционное право граждан избирать и быть избранными в органы государственной власти и органы местного самоуправления и его правовое обеспечение не могут быть ограничены только рамками выборов.

Являясь важнейшим гарантом осуществления избирательных прав граждан, современное избирательное право ориентировано на создание надлежащих юридических предпосылок реализации и защиты электоральных возможностей граждан не только во время организации и проведения выборов, но и в межвыборный период. Поэтому ограничение предмета избирательного права исключительно рамками общественных отношений, опосредующих организацию и проведение выборов, игнорирует то обстоятельство, что вне временных интервалов избирательного процесса также обнаруживаются отношения, имеющие важное с юридической точки зрения значение для обеспечения практического осуществления избирательных прав граждан Республики Узбекистан.

ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА И ТИПИЗАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПАРЛАМЕНТСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ КАК НОВЕЙШИХ СУБЪЕКТОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

Современное международное право в отличие от классического, характеризуется рядом концептуальных отличий. К ряду таких отличий принадлежит и расширение количества и качества его субъектов. К относительно новым субъектам международного права, несомненно могут быть отнесены международные организации. В классическом международном праве отмечалось: «Поскольку международное право главным образом относится к области межгосударственных отношений, в доктрине существует мнение, что его субъектами могут быть только и исключительно государства как вполне независимые друг от друга властные международные личности»¹. Однако, на заре становления современного международного права уже отмечалось, что такая точка зрения не может быть признана основательной. Она формальна и отчасти юридически догматична, т. к. вступает в несомненное противоречие с современной международной действительностью. Разумеется, ни международные организации, ни их органы, например, не могут считаться по своей правовой природе тождественными в рассматриваемом отношении с государствами. Однако было бы ошибочным отказать многим межгосударственным организациям, в особенности ООН, в наличии известной международной правосубъектности². Таким образом, отметим, что современное международное право, его доктрина и практика безоговорочно признают международные организации в качестве субъектов международного права, относя их к производным субъектам.

Хотя международные организации как форма организации международного общения государств возникли относительно давно, но как самостоятельные международные личности — субъекты — были признаны только в первой декаде XX века.

в-третьих, судьи должны выполнять судебные функции надлежащим образом учитывая интересы всех лиц, в частности сторон процесса, свидетелей, адвокатов, работников суда и своих коллег, не проводя необоснованных различий;

в-четвертых, судьи не должны допускать, чтобы находящиеся в их подчинении лица и юристы демонстрировали предубеждение или допускали дискриминационный подход в отношении лица или группы лиц по признаку цвета их кожи, их расового или национального происхождения, религии, пола или по другим, не относящимся к делу мотивам.

1 Сообщение № 577/1994, Роза Эспиноса де Полай против Перу (Соображения приняты 6 ноября 1997 года) // Подборка решений Комитета по правам человека в соответствии с факультативным протоколом. Т. 6. Пятьдесят шестая – шестьдесят пятая сессии (март 1996 года – март 1999 года). Нью-Йорк и Женева, 2005. С. 171, абзац 8.8.

2 E/CN.4/2003/65.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ЭТИШДА СУДЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда инсон ва давлат муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим. Бу борада судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш энг долзарб масалалардан биридир.

Инсон ҳуқуқлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя этишни, биринчи навбатда суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Демак, суд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг асосий субъект сифатида майдонга чиқади. Бу эса ўз навбатида, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари судлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиши лозимлигини англатади.

Айрим ҳолларда фуқароларимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қандайдир ишончсизлик белгиларини кузатишимиз мумкин. Қонун ҳужжатларини қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси юқори эмаслиги оқибатидир. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-

* Наманган давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси.

ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Мамлакатимизда сўнги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши натижасида бузилган ҳуқуқлари юзасидан мурожаат қилиш даражаси ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (Омбудсманга) келиб тушаётган ариза ва шикоятлар сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳуқуқий демократик давлатнинг энг устувор ва бирламчи вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада энг катта масъулият судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига тушиши табиий ҳолдир. Чунки, судлар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам инсон ҳуқуқлари поймол қилинганда, ҳуқуқ нормаларига риоя этиш ҳоллари бузилганда биринчи навбатда ишни кўрадиган, танишиб чиқадиган, ҳуқуқ бузиш ҳоллари юзасидан тегишли хулосалар чиқарадиган, ишни қонуний тарзда ҳал этадиган ва ижтимоий адолат, қонунийлик ҳамда ҳуқуқий тартиботни таъминлайдиган бўгин сифатида давлат механизмида алоҳида ўринга эга.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали мамлакатдаги соғлом турмуш тарзини, тинч ва фаровон ҳаёт шароитини таъминлайди ва шу орқали юрт тараққиётига беназир ҳисса қўшади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, ички ишлар органлари, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, адвокатура ва судларнинг самарали фаолияти натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фуқароларимиз осуда ҳаёт кечирмоқдалар.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ҳозирги кундаги долзарб масалалар сирасига киради. Тўғри, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида бугунги кунда шу йўналишда муайян даражада ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган, лекин бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ўз вақтида ҳал этилиши фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги ҳуқуқий механизми жорий этилишига ва қонуний манфаатлари таъминланишига хизмат қилиши баробарида мамлакат тараққиётига муносиб асос бўлиб қолади ҳам.

Мамлакатимизда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш борасида, бизнингча, талайгина масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг ўзидан бошқа идоралар билан ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш, ҳам

корликни амалга оширишнинг қоидаларини тажрибали мутахассислар ёрдамида ишлаб чиқишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳар қайси идора қайси соҳада кимлар билан ҳамкорликни жонлантириши лозимлигини аниқлаб, якуний хулосага келиши ҳамда шу асосида иш-ни режалаштириши лозим.

Иккинчидан, судлар ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўртасидаги алоқаларни кучайтириш лозим. Хусусан улар, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига тааллуқли фуқаролар томонидан Омбудсманга келиб тушган ариза ва шикоятлар билан доимий асосда танишиб боришлари, бу ариза, шикоятларни ўз ваколатлар доирасида уларни ҳал этишга кўмаклашишлари лозим.

Учинчидан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш учун унинг ўзига хос, замонавий жиҳатларига ривожланган демократик мамлакатлар, яъни хориж тажрибасини ўрганиш, таҳлил этиш ва ижобий томонларини миллий менталитетимизни инобатга олган ҳолда ўзлаштириш орқали баравжлик бахш этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари таъминлаш юзасидан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан муайян ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак.

Бешинчидан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази билан келишган ҳолда шу йўналишда социологик тадқиқотларни амалга ошириш, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ўз фаолияти фуқаролар томонидан қандай баҳоланаётганлигини билиб бориши, шунингдек бошқа идоралар билан ҳам ҳамкорликни кенг йўлга қўйиши лозим.

Олтинчидан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш юзасидан илмий ишланмалар, янги қоидалар, ҳамкорлик асосларини яратиш зарур, шу мақсадда бўйича юридик йўналишдаги таълим муассасаларининг илмий ходимлари, мутахассислари, олимлари билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориш самарали илмий ечимларни, илмий изланишларнинг илғор намуналарини амалиётда қўллашларда дадиллик кўрасатиш мумкин.

Еттинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳамкорлигини юксалтиришнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу концепцияда ўзаро ҳамкорликнинг асосий қоидалари, йўналишлари, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг бу борадаги вазифалари аниқ белгиланиши лозим. Ушбу концепцияни яратиш ва уни амалга ошириш учун ҳуқуқни му-

ҳофаза қилиш идоралари қошида махсус ишчи гуруҳ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдек ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирини амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизми яратилади ҳамда мамлакатда инсон ҳуқуқлари устуворлигига эришилади.

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВ РЕБЁНКА В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА

Всем известно, что дети — это один из самых уязвимых слоёв населения любого общества и государства. Они нуждаются в помощи взрослых для охраны и защиты своих прав. Именно дети часто становятся жертвами самых разных преступлений. Ребёнок не может оказать достойного сопротивления преступнику и подчас не осознаёт в полной мере, в какой ситуации он оказался, и как ему поступить в этом случае. Именно по этой причине многие преступники выбирают жертвами самых гнусных преступлений детей.

Стремясь улучшить защиту прав детей Генеральная Ассамблея ООН 20 ноября 1989 года приняла Конвенцию о правах ребёнка. Узбекистан присоединился к этому документу одним из первых. Уже 9 декабря 1992 об этом было заявлено в Постановлении Олий Мажлиса № 757-XII.

Конвенция является основным международным документом, который закрепляет права детей, в ней содержатся положения о всех правах ребёнка, принадлежащих ему независимо ни от каких факторов. Большинство мировых держав присоединились к этому документу и осуществляют свои обязанности в соответствии с ним. Но, вместе с тем, один документ не может охватить сразу все общественные отношения, даже только в такой области, как права детей. По этой причине многие вопросы, затронутые в конвенции так и остались не до конца освещёнными и требовали дальнейших уточнений и дополнений. В частности это касалось преступлений, совершаемых против детей. Часто это преступления на сексуальной почве — детская проституция (сюда также относится и секс-туризм, печально прославивший некоторые страны Азии) и детская порнография, а также незаконное перемещение детей, торговля детьми, в том числе и для использования внутренних органов и др.

Отмечая широкое распространение этих тяжких преступлений, Генеральная Ассамблея ООН, желая акцентировать внимания на дан-

* Ведущий специалист отдела анализа и исследований Национального центра Республики Узбекистан по правам человека.

ной проблеме, призвала мировую общественность активно включиться в борьбу с этим злом. 25 мая 2000 года был открыт для подписания Факультативный протокол к Конвенции о правах ребенка, касающийся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии¹. В прошлом году, в год 60-летия Всеобщей Декларации прав человека, наша республика присоединилась к Протоколу, согласно Закону от 11.12.2008 года².

Так что же представляет собой этот Протокол? И почему его значение так велико?

Сам протокол — это небольшой документ, состоящий всего лишь из 17 статей. Однако, на него возложены большие надежды, поскольку он должен оградить детей от преступных посягательств на их здоровье, честь и достоинство. В первую очередь, Протокол возлагает дополнительную ответственность на государства-участников в сфере предотвращения преступлений против детей. Он определяет круг мер, которые необходимо предпринять для ликвидации торговли детьми, детской проституции и порнографии.

Принятие данного Протокола — свидетельство крайней обеспокоенности государств-участников значительными и растущими масштабами международной контрабандной перевозки детей для целей торговли детьми, детской проституции и порнографии, а также продолжающейся практикой секс-туризма, стимулирующей торговлю детьми, растущей доступностью детской порнографии в Интернете и в рамках других развивающихся технологий. Ликвидация торговли детьми, детской проституции и детской порнографии требует принятия всеобъемлющего подхода, учитывающего все способствующие этим явлениям факторы, включая недостаточное развитие, нищету, экономические диспропорции, неравноправную социально-экономическую структуру, наличие неблагополучных семей, низкий уровень образования, миграцию между городами и сельской местностью, дискриминацию по признаку пола и др.

Для сокращения потребительского спроса на торговлю детьми, детскую проституцию и детскую порнографию, согласно Протоколу, необходимо предпринять усилия по повышению уровня информированности общества по этим вопросам.

В первой же статье данного документа указывается, что государства-участники запрещают торговлю детьми, детскую проституцию и детскую порнографию. Однако, в законодательстве многих государств не содержится четкого определения таких преступлений. И это часто служит лазейкой, для того, чтобы закон можно было обойти. По этой причине

1 Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унинг Факультатив протоколлари. Ўзбекча нашр учун маъсул муҳаррир А. Х. Саидов. Т.: Инсон ҳуқуқлари бйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2009 — с. 57.

2 Собрание законодательства Республики Узбекистан № 50 (342). 2008 г., с. 87.

во второй статье даётся точное и однозначное определение каждому преступлению: торговле детьми, детской проституции и детской порнографии. Стоит отметить, что это дополнение, позволяет избежать споров и разночтений. Целесообразно было бы имплементировать эти определения в национальное законодательство.

Протокол обязывает государства объявить следующие деяния преступлениями и внести их в своё уголовное законодательство это:

I) предложение, передача или получение какими бы то ни было средствами ребенка с целью:

- a. сексуальной эксплуатации ребенка;
- b. передачи органов ребенка за вознаграждение;
- c. использования ребенка на принудительных работах;

II) неправомерное склонение, в качестве посредничества, к согласию на усыновление ребенка в нарушение применимых международно-правовых актов, касающихся усыновления;

b) предложение, получение, передача или предоставление ребенка для целей детской проституции;

c) производство, распределение, распространение, импорт, экспорт, предложение, продажа или хранение в вышеупомянутых целях детской порнографии.

Государства также условились выдавать друг другу преступников, которым инкриминируется совершение вышеназванных преступлений. Разграничив таким образом свою юрисдикцию они, вместе с тем, обязались передавать преступника своим компетентным органам для уголовного преследования в том случае, если национальное законодательство по каким-то причинам не позволяет выдать данное лицо другому государству.

Вести борьбу с указанными видами преступлений государство обязано в первую очередь на национальном уровне, но зачастую преступления, отмеченные в этом Протоколе, имеют международный характер. Они либо совершаются гражданами одного государства на территории другого государства (секс-туризм, торговля детьми), либо могут совершаться на территории одного государства, а последствия иметь на территории другого (распространение детской порнографии), либо могут совершаться на территории одного государства против граждан другого государства (торговля детьми, детская проституция).

В Протоколе также отмечается, что государства-участники оказывают друг другу помощь в уголовном преследовании лиц, обвиняемых в преступлениях против детей. Это означает, что правоохранительные органы разных государств должны сотрудничать в деле выявления фактов преступлений, их расследования, поиска преступников и т.д. Для этого они могут обмениваться оперативной информацией, проводить совмест-

ные следственные действия, а также давать правоохранительным органам государств-участников поручения о производстве отдельных следственных действий. Таким образом, правоохранительные органы всех стран-участников Протокола могут принимать меры, которые бы обеспечивали изъятие и конфискацию имущества, материалов и средств, используемых для совершения преступлений. Счета лиц, подозреваемых в совершении преступлений могут быть арестованы или заблокированы. Таким образом, преступники лишаются материальной прибыли — главной цели их действий.

Важным аспектом данного документа является упоминание об охране и реинтеграции в общество жертв преступлений. Естественно, преступники готовы будут на любые ухищрения и даже на новые преступления ради того, чтобы не лишиться свободы. Поэтому необходимо оградить от их возможных угроз или другого воздействия в отношении детей-жертв преступления, а также свидетелей, проходящих по делу. Условившись об этом, государства-участники также признали обязанность следственных и судебных органов информировать детей-жертв об их правах, их роли и содержании, сроках и ходе судопроизводства и о решениях по их делам. Также государства обязались гарантировать, чтобы в первую очередь учитывались интересы, мнения и потребности детей, им необходима поддержка на всех стадиях судопроизводства. Ведь, пожалуй, нет другого свидетеля или потерпевшего, мнением и показаниями которого было бы легче манипулировать, нежели ребёнок. Суды и следственные органы должны обеспечить соблюдение всех процессуальных сроков, предусмотренных уголовным законодательством, для того, чтобы избежать задержек в продвижении дела. Целесообразной считается юридическая и психологическая подготовка лиц, работающих с детьми.

Как известно, легче предотвратить преступление, чем ликвидировать его последствия. Кроме того, ранимая детская психика может навсегда сохранить боль и страшные воспоминания о совершённых против них преступлениях.

Следовательно, необходимо на национальном и международном уровнях принимать все возможные меры для предупреждения самих преступлений, указанных в Протоколе. Для этого государства должны в полной мере использовать все имеющиеся у них ресурсы — принимать и пропагандировать законы, административные меры, социальные стратегии и программы. В качестве превентивной меры необходимо использовать и средства массовой информации — для повышения осведомлённости широких кругов общественности, включая детей.

Должное внимание государства-участники обязаны уделять и международному сотрудничеству, которое осуществляется путём заключения много

сторонних, региональных и двусторонних договорённостей в целях предупреждения, обнаружения, расследования, уголовного преследования и наказания лиц, виновных в совершении деяний, связанных с торговлей детьми, детской проституцией и детской порнографией. Должно расширяться международное сотрудничество и на уровне государственных органов, и на уровне неправительственных и международных организаций.

Государства-участники обязаны содействовать развитию международного сотрудничества, направленного на оказание детям-жертвам помощи в их физическом и психологическом восстановлении, репатриации, социальной реинтеграции и адаптации. Они также содействуют укреплению международного сотрудничества в целях устранения основных причин преступности, таких, как нищета и недостаточное развитие, усугубляющих уязвимость детей, как объектов торговли детьми, детской проституции, детской порнографии и детского секс-туризма.

11 декабря 2008 года парламент Узбекистана без оговорок и заявлений ратифицировал Факультативный протокол к Конвенции о правах ребенка, касающегося торговли детьми, детской проституции и детской порнографии от 25 мая 2000 года. В соответствии с параграфом 2 статьи 14 Протокола он вступил в силу для Узбекистана 23 января 2009 года. Согласно параграфу 1 статьи 12 Протокола каждое государство-участник на протяжении двух лет после вступления в силу Протокола для этого участника представляет Комитету по правам ребенка доклад, который содержит полную информацию о мерах, принятых им с целью выполнения положений Протокола.

В соответствии с пунктом 1 статьи 12 Факультативного протокола к Конвенции о правах ребенка, касающегося торговли детьми, детской проституции и детской порнографии, Республика Узбекистан представила первоначальный доклад об осуществлении указанного Факультативного протокола в январе 2011 г.

Присоединение к Протоколу ещё раз подчёркивает приверженность Узбекистана международным стандартам в области прав человека в целом и прав ребёнка в частности. Это продолжает нашу интеграцию в международную правовую систему и свидетельствует о том, что Узбекистан готов для улучшения положения детей принимать все необходимые меры, предусмотренные Протоколом. Кроме того, присоединение к Протоколу означает, что у правоохранительных органов будет больше возможностей для международного сотрудничества в борьбе с преступлениями против детей, что, несомненно, должно принести положительные результаты.

Следует заметить, что Узбекистан за последние годы предпринял определённые меры для борьбы с преступлениями, отмеченными в протоколе. В частности, нужно подчеркнуть то, что все эти преступле-

ния давно запрещены нашим уголовным законодательством. Уголовно-процессуальное законодательство предоставляет детям, участвующим в уголовном процессе, особый статус. Благодаря ему, при производстве следственных действий в деле, с участием детей возможно участие родителей ребёнка, педагогов, психологов и др.

Материнство и детство в Узбекистане находятся под защитой государства. Особый статус детей, а также необходимые меры для их защиты и поддержки закреплены в Конституции и многих законах. К примеру, недавно принятый Закон «О гарантиях прав ребёнка» имплементирует нормы Конвенции о правах ребёнка в национальное законодательство Республики. Данный закон впервые дал определение понятию «ребёнок», позволил улучшить регулирование отношений в области прав ребёнка, дал дополнительные гарантии прав ребёнку в самых разных сферах жизни, начиная с образования и здравоохранения и заканчивая судопроизводством и др. Законы «О противодействии торговле людьми», «Об образовании», «О физической культуре и спорте», «Об охране здоровья граждан» и др. также вносят свой вклад в регулирование правоотношений, где так, или иначе, участвуют дети.

В стране осуществляется передовая практика программного обеспечения прав ребёнка, не имеющая аналогов в других странах региона. Важное значение имеет Национальная Программа Действий по обеспечению благополучия детей Узбекистана, одобренная Кабинетом Министров 15 января 2007 года. Основными целями которой являются: определение общего контура действий, приоритетных направлений и целевых ориентиров обеспечения благополучия детей на национальном уровне; формирование системы многоуровневого взаимодействия по реализации национальных целей и улучшения благополучия детей на региональном и местном уровнях; создание механизма мониторинга и оценки достижения целей благополучия детей.

О внимании государства и общества к проблемам детей и молодёжи свидетельствует также принятие в 2008 г. Государственной программы «Год молодёжи», Национального плана действий по реализации конвенций МОТ № 138 и № 182, Национального плана действий по выполнению рекомендаций Комитета ООН по правам ребёнка по итогам Второго периодического доклада Республики Узбекистан и др.

Одним словом, работа выполнена большая, но предстоит сделать ещё больше. В дальнейшем необходимо выявлять и устранять пробелы в национальном законодательстве и совершенствовать систему государственного управления, которые призваны обеспечивать весь комплекс прав ребёнка.

Важную роль в этом процессе должны играть СМИ. В Протоколе прямо говорится, что низкая информированность населения — это одна

из причин растущего числа преступлений, совершаемых против детей, а, вместе с тем, проблемы, затронутые Протоколом, республиканскими СМИ ещё освещаются слабо.

До сих пор не на должном уровне находится международное сотрудничество, и здесь всё ещё остаётся большое поле для деятельности. Но, не смотря на это, применяемые в стране меры позволяют надеяться на то, что все усилия, направленные на борьбу с торговлей детьми, детской проституцией и детской порнографией возьмут свои результаты.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МЕХАНИЗМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Тарихга назар ташласак, инсонлар қулдорлик тузуми давридан бунён, жамиятда ҳуқуқий тенгликка эришиш ва ўз қадр қиммати учун курашиб келмоқда. Мазкур курашлар натижасида XX асрга келиб инсон дунёдаги энг олий неъмат эканини дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди ва халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчиликда инсон ҳуқуқлари кафолатлари белгилаб қўйилди. Айниқса, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро миқёсида инсон ҳуқуқлари борасидаги «Конституция»га айланди.

Ушбу Декларацияни қабул қилиш орқали қийноқ ёки шафқатсиз, ғайри-инсоний ёхуд қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазо турларини қўллаш таъқиқланди. Декларация асосида қийноққа қарши бир қанча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 1949 йил 12 августдаги Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Конвенция¹, 1966 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт², БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ҳамма шахсларни қийноқлардан, бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги декларация, 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция», 1995 йил 26 майдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги МДХ Конвенциялари қийноққа қарши инсон ҳуқуқлари кафолат манбаи бўлиб келмоқда³.

Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида 1995 йил 31 августда БМТнинг «Қийноқ ҳамда муомала

* Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази етакчи мутахассиси.

1 1949 йил 12 августдаги «Ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисида»ги Женева Конвенцияси.

2 1966 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт.

3 Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар./ Масъул муҳаррир — А. Х. Саидов. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент, «Адолат», 2002. — Б. 49.

ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»ни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси 1999 йилдан бошлаб мазкур Конвенциянинг бажарилиш жараёнлари ҳақида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига урта Миллий маъруза тақдим этди. Дастлабки маъруза Қўмита томонидан 1999 йилда кўриб чиқилган эди. 2002 йилнинг май ойида Қийноқларга қарши қўмита томонидан БМТнинг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциясининг асосий қоидаларини бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг иккинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди. 2002 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Хукумати таклифига биноан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Комиссияси мамлакатимизда бўлиб, Қийноқларга қарши Конвенция қоидаларининг тадбиқ этилиши юзасидан 22 та тавсиялар берди. Берилган тавсиялар ижроси бажарилиши мониторинги юзасидан ҳукумат томонидан Адлия вазирлиги бошчилигида идоралараро ишчи гуруҳ тузилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиянинг 60-сессияси қарорига кўра Ўзбекистонга инсон ҳуқуқлари бўйича эксперт гуруҳи ташриф буюрди. Ташриф чоғида тергов хибсхоналари ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларини кўздан кечирилди, турли халқаро, нодавлат, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва фуқаролар билан учрашди. Унинг тавсиялари тўлиғича бажарилди. Учинчи Миллий маърузани кўриб чиқиш якунлари асосида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси 2007 йил ноябрида қарор қабул қилди, унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ва қонунчилик чора-тадбирларига ижобий баҳо берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонга асосан 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатда инсон ҳуқуқларини олий даражага кўтарди десак муболаға бўлмайди. Миллий қонунчилигимизнинг диққатга сазоворлиги шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, яъни «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» қоидаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 17, 18, 19, 22, 23, 27, 88 моддалари «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматини камситувчи турларига қарши Конвенция»га тўла мос келади. Ваҳоланки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлатимиз Конвенцияни ратификация қилмасдан олдин қабул қилинган.

Мазкур Конвенциянинг 1-моддасини қонунчиликка сингдириш мақсадида 2003 йил 30 августда Парламент томонидан Жиноят кодексининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 235-моддаси янги тахрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси мазмунига кўра, жиноятни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирон-бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирон-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар келтириб чиқаради.

Қийноққа солиш натижасида жабрланувчига муайян зарар етказиш ҳоллари ҳам бўлиб, бундай ҳолларда етказилиган зарарга нисбатан нафақат жиноий жавобгарликни қўллаш, балки етказилган зарарни ўрнини қоплаш ҳам жуда муҳимдир. ЖК 235-модда 3-қисмида ушбу ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш масаласи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда фуқаровий даъволар, деб номланган 275-моддасига асосан ҳал қилинади. Унда белгиланишича бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.

Демак, қийноққа солиш натижасида етказилган моддий зарар жиноят процессуал тартибда ҳал қилинади. Бу эса «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»нинг 14-моддасида белгиланган ушбу Конвенциянинг бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тизимида қийноқларнинг қурбони товон олишини ва иложи борича тўлароқ тикланиш учун маблағларни қамраб олувчи, ҳуқуқий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаши ҳақидаги талабнинг қонуний ифодаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрда «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-сонли қарорида ҳам БМТ 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»да назарда тутилган «қийноқ» тушунчаси мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу Пленум қарорида «суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) гумон қилинувчининг, айбланувчининг шаъни ва қадр қимматини камситишга ҳақли эмас».

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъиян ман этилади. Қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»нинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, жиноят қонунчилигидаги мазкур таъриф қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддасида тавсия қилинган «қийноқ» тушунчаси ўртасида ўзаро фарқ борлигини кузатса бўлади. Жиноят кодексдаги қийноқ тушунчасини ҳажми билан халқаро ҳуқуқ бўйича таърифланаётган мазкур жиноятнинг ҳажми бир бирига мос келмайди. Конвенциянинг 4-моддасига асосан иштирокчи-давлат (қонун чиқарувчи) жиноят қонунчилигига мувофиқ қийноқ билан боғлиқ барча ҳаракатларни жиноят сифатида белгилашни таъминлаши лозимлиги белгиланган.

Муаммони атрофлича тушуниш мақсадида қийноққа қарши Конвенциядаги «қийноқ» таърифига эътиборни қаратишимиз ўринлидир. Негаки, Жиноят кодексда қийноқни тақиқлаш фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президент И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир»¹.

1 Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — 73 б.

ИНСОН ҚУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД-ҚУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЎРНИ



Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши жорий этилиши билан суд ҳокимиятининг қарор топишига том маънода йўл очилди. Таъкидлаш жоизки, судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.¹

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1993 йил 6 майда қабул қилинган Қонун суд соҳасида қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири бўлиб, Конституциявий суд фаолиятининг барча жабҳаларини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу Қонуннинг 1995 йил 30 августда қабул қилинган янги таҳрири Конституциявий суд фаолиятини лозим даражада мукамаллаштирди.

1993 йил 2 сентябрда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ ислоҳотининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини шакллантириш жараёни бошланди. Қонунга биноан янги суд тузилмалари, жумладан ҳарбий судлар, Олий судда эса ҳарбий ҳайъат ташкил этилди, маъмурий ишларни кўрувчи судьялар лавозимлари жорий этилиши назарда тутилди. Бундан ташқари мазкур Қонунда айбсизлик презумпцияси, ҳимоя ҳуқуқи, тортишув, ошкоралик каби принциплари, судьяларнинг мақоми, дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминловчи меъёрлар ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август) суд-ҳуқуқ ислоҳотининг боришига эътибор янада кучайтирилди. Хусусан, давлатимиз бошлиғининг таъкидлашича: «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг янада бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти та-

* Қорақалпоғистон давлат университети юридик факультетининг жиноят ҳуқуқи, жиноят-процесс ва криминалистика кафедраси ассистенти.

1 Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 39–40-б.

риқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айлонмоғи лозим»¹.

1997 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ташкил топди. Таъсис мажлиси Ассоциациянинг Уставини қабул қилди ва бу Устав 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Ассоциациянинг асосий мақсади ва вазифалари суд-ҳуқуқ ислоҳотини ўтказишда фаол иштирок этиш, одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш; судьяларни тайинлаш (сайлаш) масалалари юзасидан, судьяларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш масалалари юзасидан ваколатли органларга таклифлар киритиш ва шу сингарилардан иборат.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жамиятимиз олдига амалдаги судни ислоҳ қилиш вазифасини қўйди. Шу ўринда суд ислоҳоти масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Парламентимизнинг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган XIV сессиясида мамлакатдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштириш масалалари таҳлил этилди. Асосий эътибор суд жараёнида адвокат ва прокурор тенглигини таъминлаш учун қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилди.

Сессияда илгари сурилган вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш, суд ислоҳотини жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг, хусусан судларни ихтисослаштириш ҳамда судда апелляция тартибида иш кўриш ҳақидаги таклифлар қонун ҳужжатларига муайян даражада киритилган қўшимчаларда ўзининг амалий ифодасини топди.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг муваффақияти суд тизимини ислоҳ қилишга боғлиқ. Суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қудратли қуроли, шахс ва жамият хавфсизлигининг кафолатидир².

1 Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократлаштириш ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. // Халқ сўзи. 30 август 1996 й.

2 Мингбоев У. Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. // Қонун номи билан. 2001 йил, 1-сон.

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ адлия идоралари судларнинг ташкилий ишларини текширар, уларнинг ҳисоботларини эшитар, одил судловга баҳо берар эди.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида» ги Қонунининг янги таҳририда¹ (63-модда) вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши белгиланди.

Суд тизимини ислоҳ қилиш ва унинг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, суд ишлари адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида умумий юрисдикция судлари негизига 2001 йил 1 январдан фуқаролик ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди.

Одамлар ижтимоий муомалада бўлар экан, улар ўртасида баҳс-мунозара ва низолар бўлиб туриши табиийдир. Уларни ҳал этиш учун демократик давлатларда кучли ва мустақил суд тизими яратилган.

Судлар низоларни ҳал этишда қонунларга асосланганлиги учун уларнинг фаолияти мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятига боғлиқдир. Суд чинакам одил бўлиши учун, аввало у таянадиган қонунлар адолатли бўлмоғи лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди»².

Жинойий жазоларнинг либераллаштирилганлиги фуқароларни жамиятдан батамом ажратиб, ҳоли этиб қўювчи жазолардан босқичма-босқич воз кечилаётганлигининг навбатдаги далилидир. Бинобарин, жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш жазоларнинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузишга йўл қўйган шахснинг жазо муқаррар эканлигини онгли равишда тушуниб етишига боғлиқ. Президентимиз томонидан: «Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали

1 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида» ги қонуни. ЎЗР Қонун ҳужжатлари туплами, Т., 2000 йил декабр, II-сон.

2 Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. — Т. «Шарк», 2001.

таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади»¹, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Судлар томонидан адолатли ҳукм чиқарилиши эришишдаги яна муҳим масала суд процессида томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенглаштириш орқали тортишув ва музокараларнинг бўлишини таъминлашдан иборат. Хусусан, суд процессида прокурор ва адвокатнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тенглаштирмасдан туриб, судда адолат қилиб бўлмайди.

Бунга прокурорнинг назорат тартибида келтирган протестлари Олий суд Пленумидан тортиб, то вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларида ҳам кўрилиши мажбурийлиги ҳақида процессуал тартиб мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (34-модда) белгиланишича, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Лекин ҳимоячига бундай ҳуқуқ берилмаган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти муваффақиятли кечмоқда, танланган йўл тўғри эканлиги амалиётда тасдиқланмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ислоҳотнинг муҳим босқичига, яъни жамиятнинг юридик механизмини янада такомиллаштириш босқичига қадам қўйди. Эришилган натижани яхлит тарзда таҳлил қилиш ва ислоҳотларнинг бўлғуси истиқболларини белгилаш вақти етди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилиши керак.

1 Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005.



Министерство юстиции Республики Узбекистан
Центр повышения квалификации юристов

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
НЕЗАВИСИМОСТЬ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА
INDEPENDENCE AND HUMAN RIGHTS

Издатель — Арапов А. В.

Издательство SMI-ASIA
лицензия AI № 202
100000, Ташкент, пл. Х. Алимджана, 36-2а
www.smi-asia.uz

Подписано в печать 17 октября 2011 г.
Формат 64 x 90 1/16. Бумага мелованная.
Тираж 500 экз.

Отпечатано в типографии Mega Basim:
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-17-045-2

**МУСТАҚҚИЛИК ВА ИНСОҲ ҲУҚУҚЛАРИ
НЕЗАВИСИМОСТЬ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА
INDEPENDENCE AND HUMAN RIGHTS**